



XIX аср охири- XX асрнинг бошларида сиёсий, маданий, иқтисодий жihatдан инкироз ҳолатига тушиб қолган мусламлақа туфайли ривожланиш паст даражада бўлган ўлкада Туркистон зиёлилари қор Россиясининг мустамлақачилик зулмидан қутулиш, ўз миллий давлатчилигини тузиш, иқтисодий ва маданий тараққиётга йўл очиш, халққа зиё тарқатиш қораларини қўрди. Бу борада жадидчилик ҳаракати қатта рол ўйнади. Жадидчилик рус мустамлақачилигига қарши миллий демократик ҳаракат бўлиб, у ўша давр Туркистондаги қолоқ иқтисодий, ижтимоий ва маданий шароитда яшаётган халқларни маърифатлаштириш, жамият ҳаётида ижтимоий ва маданий ислохотлар ўтқизиш, пировардида миллий мустақиллик қояларини ҳаётга тадбиқ этиш мақсадини ўз олдига қўйган эди.

Туркистонда жадидчилик қоялари XIX асрнинг 90-йилларидан ёйила бошлади. Бу ҳаракат XX асрнинг 30-йиллари охириларигача ўлка ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим рол ўйнади. Бугунги кунда республиқамиз тарихчи олимлари жадидчилик ҳаракатида қуйидаги ўҳта босқични фарқлашмоқда: 1) XIX аср охириларидан 1915 йилгача-маърифатчилик; 2) 1915 йилдан – 1918 йил февралигача-мухториятчилик; 3) 1918 йил февралидан - 20-йиллар охириларигача мустақил советлар давридаги фаолияти.

Жадидчилик Россияга қарам бўлган муслмон халқлари орасида дастлаб Қримда XIX асрнинг 80-йилларида пайдо бўлди. Унинг асосчиси диний-дунёвий илмларни қуқур эгаллаган Исмоилбек Гаспрали (1851-1914) бўлди. Исмоилбек 1884 йилда жа-дид мактаби ташқил этиб, 40 кунда 12 боланинг саводини қикаради. Унинг ўқитиш усули «усули савтия», яъни «янги усул» номи билан шухрат қозонди. «Жадид» араб-ча сўз бўлиб, «янги» деган маънони билдиради. Исмоилбек қояларини қабул қилган янгилик тарафдорлари «жадидлар», унинг қоялари эса «жадидчилик» номини олди. Исмоилбек Гаспрали дарслик яратади, ўзининг «Таржимон» (1883-1914) газетасини ташқил этиб, жадидчиликни туркий халқлар орасида қенг тарғиб қилади. Бу газета Тошқент ва бошқа шаҳарларга ҳам тез ёйилади.

И. Гаспрали 1893 йилда Тошқент, Самарқанд ва Бухорода бўлди. Бухорода амир Абдулахадни жадид мактаби очишга қўндиради. Бу мактабга «Музаффария» номи берилади. 1898 йилда Тўқмоқда (Қирғизистон) ҳам шундай мактаб очилди. 1899 йил-да Андижонда Шамсуддин домла, 1901 йилда Қўқонда Салоҳиддин домла, Тошқентда Мунавварқори Абдурашидқонов ва Самарқандда Абдуқодир Шақурийлар биринчи бўлиб

жадид мактабларини очадилар. Жадидчилик ҳаракатининг йирик намояндалари жадид мактаблари учун дарсликлар ҳам яратганлар. Хусусан, Саидрасул Азизийнинг «Устози аввал» (1903), Мунавваркорининг «Адиби аввал» (1907), Абдулла Авлонийнинг «Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим» (1912) дарсликлари алоҳида эътиборга моликдир.

Жадидларнинг халқ маърифати учун кураш дастури уч асосий йўналишдан иборат бўлган:

Янги усул мактаблари тармоғини кенгайтириш.

Умидли, иқтидорли ёшларни чет элга ўқишга юбориш.

Турли маърифий жамиятлар тузиш ҳамда зиёлиларнинг кучли фиркасини ташкил этишга қаратилган газеталарни чоп этиш.

Шу дастурни амалга ошириш борасида Махмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Мунавваркори Абдурашидхонов, Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев, Абдулла Авлоний, Абдулхамид Чўлпон ва бошқа зиёлилар жонбозлик кўрсатишди. Янгича ўқитиш мусулмон болаларига қисқа вақт ичида дунёвий, диний таълим бериш дастури асосида олиб борилди. Бу дастурга кўра мактабларда ўқитиш тизими икки босқичдан иборат бўлган. Биринчи босқич ибтидоий қисм деб аталиб, унинг тахсил муддати 4 йил бўлган. Биринчи босқични тугатган шогирд эски мактабда 10 йил ўқигандан кўра яхшироқ савод чиқарган. Иккинчи босқични муваффақиятли тугатган шогирд арабча, форсча, туркий тилда бемалол сўзлашиб, русчада эркин гаплаша олар эдилар.

Жадидларнинг халқаро алоқалари жуда кенг қамровли бўлган. Улар Россия, Туркия, Миср ва бошқа мамлакатлардаги жадидчилик оқимлари дастурларидан хабардор бўлганлар, ўзаро сафарлар, мулоқотлар орқали тажриба алмашганлар. 1905-1906 йилги Россиядаги инқилобий ҳаракатлар Туркистонга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Фаол қучлар жипслаша бошладилар ва жадидлар маърифатчилик фаолиятини жадаллаштирдилар. Бу факатгина мактабларда эмас, балки жонли матбуотчилик фаолияти, жумладан, рўзномаларнинг кўплаб вужудга келишида ҳам кўринди. Чунончи, 1906 йилда Исмоил Обидовнинг муҳаррирлигида «Тараккий», шу йили Мунавваркори муҳаррирлигида «Хуршид», 1907-1908 йилларда Абдулла Авлоний муҳаррирлигида «Шухрат», Аҳмаджон Бектемиров муҳаррирлигида «Осиё» рўзномалари чоп этилди. Лекин тез орада чор маъмурияти ашаддий шовинист Н.П. Остроумов билдириш-номасига асосланиб, бу рўзномаларни ман этди.

Маърифатчиликнинг янги тўлкинида 1913-1915 йилларда «Самарканд», «Садои Туркистон», «Садои Фаргона», «Бухорои шариф», «Турон», 1917 йилда эса «Эл байроғи», «Кенгаш», «Хуррият», «Улуг Туркистон» газеталари, «Ойина» журнали каби оммавий ахборот воситалари ҳам пайдо бўлди.

Жадидчилик Столипин реакциясидан сўнг яширин тусга ўтди. Чунончи, Тошкент полицияси маҳкамасига етказишча, махфий гуруҳлардан бирини ўқитувчи Аҳмаджонов бошқарган ва у, асосан, миллий зиёлилар ҳамда ўқувчи ёшлар вакиллари билан тарқиб топган. Кўкондаги махфий гуруҳ 50 кишидан иборат бўлган. Андижондаги жадидларнинг яширин ташкилоти «Тараккийпарвар» деб аталиб, махфий ишлар бўйича полиция бўлимининг маълумотларига қараганда, унинг раҳбарларидан бири Убайдулла Хўжаев бўлган. Шунингдек, подшо айғокчилари 1909-1916 йиллар давомида мударрис ва мактаб ўқитувчиларининг ўлкани бошқаришда ислохотлар ўтказиш кераклиги ҳақида тарғиботлар олиб бораётганликларини бир неча мартаба ҳукуматга етказганлар. Россия Феврал демократик инқилоби арафасида Туркистон жадидчилиги етук сиёсий

ҳаракатга айланди. Агар Биринчи Жаҳон урушидан кейин жадидлар парламентар монархия учун курашган бўлсалар, Феврал инқилобидан кейин Туркистон жадидла-рининг «тараккийпарварлар» окимини ташкил қилган радикал қисми анча кенг камровли, бир қатор сиёсий талабларни илгари сурди. Улар қаторига маҳаллий аҳоли ҳуқуқларини кенгайтириш томон ўлкани бошқариш юзасидан асосли ислохотлар ўтказиш, ўлкага Давлат Думасидан аҳоли сонига қараб ўрин бериш, асосий демократик эркинликлар, аввало, миллий матбуот эркинлигини таъминлаш, чоризмни конституцион тузум билан алмаштириш қабилар қиради. Россиядаги Феврал демократик инқилоби Россияда янги давлат тузуми ўрнатилгандан сўнг федератив давлат шаклида мухторият олишга умид боғлаган жадидларни рухлантириб юборди. Айни пайтда, миллий сиёсий партиялар ва ташкилотлар, жумладан, жадидлар томонидан «Шўрои Исломия», «Иттифоқи муслимин», «Турон» каби бир қатор ташкилотлар тузилди. Бу пайтга келганда жадидлар туб ерли аҳоли ижтимоий таркибининг турли қатламларини ўз ортиларидан эргаштира олдилар, улар онгида мусулмонлар бирлигини мустаҳкамлаш, жиҳслаштириш ҳиссини уйғотдилар. Аммо улар тез кунларда тушундиларки, Россиядаги Муваққат ҳукумат ва унинг Туркистон Қўмитаси ҳам ўлкада аввалгидек мустамлакачилик сиёсатини давом эттириш йўлини тутмоқда. Чунончи, бу сиёсат Таъсис мажлисини чақиришга тайёргарликда яққол намоён бўлди. Шу вақтдан жадидлар учун мустақиллик ва мухторият ё ҳаёт, ё мамот муаммосига айланди ва жадал сиёсий жанглар бошланди. Улар ҳукуматнинг мустамлакачилик сиёсатини қаттиқ танқид остига олдилар ва Туркистоннинг Россия Демократик Федератив Рес-публикаси таркибида миллий-худудий мухторият олиш учун астойдил ҳаракат қилишга киришдилар. Жадидларнинг дастурий ҳужжатларида диққат-эътибор миллий-худудий мухториятнинг асосий тамойилларини амалга ошириш механизмлари-Туркистон Федератив Республикаси имкониятларига тааллуқли бўлган масалалар бўйича, қонунлар чиқаришни амалга ошириш учун чақирилган мустақил ваколатли ўлка ҳокимиятининг олий органлари, бошқаруви ва суди механизмларини ишлаб чиқиш, ўз давлат тузилишини барпо этишга қаратилди. Бошқарувнинг пойдевори сиёсатда республика шакли танлаб олинди. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар берилган ва конституцион жиҳатдан қаноғатланиши лозим бўлган демократик жамиятни шакллантириш-устувор мақсад қилиб белгиланди. Туркистон жадидлари давлат мустақиллиги ҳақидаги ўз гояларини ҳаётга татбиқ этишни мамлакатдаги турли ижтимоий қучлар ўртасида тинчлик ва келишувчилик, демократик асосда шакллантирилган Россия Таъсис мажлисини чақириш билан боғланганликлари ҳам диққатга сазовор. 1917 йил июлда «Шўрои исломия»дан «Шўрои Уламо» ташкилоти ажралиб чиқди. Аммо Таъсис мажлисида ўрин олиш масаласининг муҳимлигини англаш, бу икки окимнинг кейинчалик қўшилишига ва «Турк Адами марказияти» номи билан ата-лувчи ягона Туркистон Федералистлари партиясининг ташкил этилишига олиб келди.

Бирок Туркистондаги октябр воқеалари ва большевикларнинг зўравонлик билан ҳокимиятни эгаллаши уларга ўз мақсадларини охиригача амалга оширишларига имкон бермади. Шунга қарамай, улар Петроградда тузилган Ленин бошчилигидаги большевиклар ҳокимиятининг «Россия халқлари Декларацияси» (1917 йил 2 ноябр), «Россия ва шарқнинг барча мусулмон меҳнатқашларига» Мурожаатнома (1917 йил 20 ноябр), ҳужжатларда кўрсатилган миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши тўғрисидаги ҳуқуқлардан фойдаланиб, Туркистон мухторияти ҳукуматини эълон

килдилар. Уч ойгина яшаган бу мухтор республика тугатилиши оқибатида жадидлар таъкибга учрадилар. Мунавваркори Абдурашидхоновнинг гувоҳлик беришича, «Иттиҳоди тараккий» (1917-1920), «Миллий иттиҳод» (1920-1925), «Миллий истиклол» (1925-1929) ва «Туркистон Миллий Бирлиги» (1921-1923) (раиси Аҳмад Закий Валидий) махфий ташкилотлари ўлкада ҳокимиятни қўлга олиш мақсадида фаолият юритган.

Совет даврида жадидлардан чиққан миллий зиёлилар совет органларида фаолият кўрсатдилар ва ўз фаолиятлари билан халқ таълими санъатини ривожлантиришга маърифий ишларни тараккий эттиришга ҳаракат килдилар. Жадидларнинг айрим қисми мустабид тузумнинг сиёсатида қўнқмай хорижга ўтиб кетдилар, муайян қисми эса истиклолчилар ҳаракатида қўшилиб кетдилар. Истиклолчилик ҳаракатида гоявий раҳнамолик қилиш, айниқса, совет органларида ишлаб, миллий мустақиллик гояларини тарғиб қилишдаги саъй-ҳаракатлари жадидларнинг советлар томонидан 1929, 1937-1938 йилларда оммавий қирғин қилинишига олиб келди.

Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида жадидчилик ҳаракати Туркистондаги каби XIX аср охири-XX аср бошларида шаклланган бўлса ҳам бу ҳудудлардаги тарихий шароит ундаги жадидчилик ҳаракатида ҳам ўзига хос хусусиятлар бахш этди. Бухоро ва Хива жадидлари дастлаб амир ва хон ҳукмронлигини чеклаш, мавжуд тузум шароитида ислохотлар ўтказиб, жамият таракқиёти ва миллий мустақилликни қўлга қиритишни мақсад қилиб қўйган бўлсалар, кейинчалик хон ва амир яққа ҳукмронлиги ҳар қандай таракқиётга тўсик эканлигини тушуниб етдилар. Чунки 1917 йилда Хивада Асфанди-ёрхон руҳсати билан тузилган ёш хиваликлардан иборат мажлис ва нозирлар кенга-ши, уларнинг таққиланиши ва Жунаидхон давридаги ёш хиваликларнинг қаттиқ таъқиб қилиниши; Бухоро амира Саид Олимхоннинг ўзи қабул қилган ислохотлар ўтказиш ҳақидаги фармонини бекор қилиши ва 1918-1920 йилларда ёш бухоролик-ларнинг қувғинга учраши шунга олиб келган. Бухоро ва Хоразм Халқ Республикаларида жадидлар ҳукумат органларида раҳбар лавозимларида ишлаб мамлақатни тараккий қилдириш ва мустақилликни сақлаб қолишга интилдилар (1920-1924). Бироқ совет режими аввал Бухоро ва Хоразм давлатлари мавжудлигига чек қўйган бўлса, кейинчалик барча жадид намоёндаларини жисмонан маҳв қилди. Умуман олганда, аср бошида юзага келган жадидчилик ҳаракати Туркистон халқларининг миллий озодлик, мустақиллик учун дастлаб чор Россияси, сўнгра совет мустамлақачилигига қарши қурашда муҳим ўрин тутди.